

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.29.11.2017.San.54.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

ЗАКИРОВА ВЕНЕРА МАНСУРОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖОДИДА
КОНЦЕРТ ЖАНРЛАРИ**

17.00.02 – «Музыка санъати»

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФАДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Санъатшунослик бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по искусствоведению**

**Content of the dissertation abstract of
doctor of Philosophy(PhD)**

Закирова Венера Мансуровна

Ўзбекистон композиторлари ижодида концерт
жанрлари..... 3

Закирова Венера Мансуровна

Концертные жанры в творчестве композиторов
Узбекистана..... 21

Zakirova Venera Mansurovna

Concert genres in the work of composers of Uzbekistan 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published Works..... 45

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.29.11.2017.San.54.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

ЗАКИРОВА ВЕНЕРА МАНСУРОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖОДИДА
КОНЦЕРТ ЖАНРЛАРИ**

17.00.02 – «Музыка санъати»

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФАДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/San36 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат консерваториясида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифада (www.konservatory.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ғофурбеков Тўхтасин Ботирович**
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Расмий опонентлар: **Азимова Арзу Нишановна**
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Каромат Дилором Файзулло қизи
санъатшунослик фанлари фалсафа бўйича доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги В2017.4.PhD/San36 рақамли Илмий кенгашнинг «__» _____ 2018 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Олмазар кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871)239-46-53; факс: (99871)244-53-20; E-mail: info@konservatoriya.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат консерваторияси Ахборот- ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан руйхатга олинган) (100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Олмазар кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871)239-46-53)

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.С.Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Г.А.Турсунова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

Р.Ю.Юнусов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мусиқа санъатида бир неча асрлар давомида мустаҳкам ўрнашган концерт жанрлари бугунги кунда композиторлик ижодиётининг шиддат билан ривожланишга бўлган эҳтиёжини яна кучайтирмоқда. Жумладан, бадиий ғоя ва образлар, кайфият ва характерларни ифодалаш учун кўп даражали ва эгилувчан модель, ижодий экспериментлар йўлидаги универсал, жанр семантикасининг қайта тафаккур этилиши, ансамбль иштирокчилари ижросининг ҳолати билан чегараланмасдан, муаллифларни хавотирга солувчи замонавий воқеликларнинг энг турфа масалалари сифатида концерт жанрлари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон мусиқа илмида концерт жанрларининг тарихий ривожланиши, ансамбль ижрочилиги, интонацион луғатининг ўзига хослиги, тингловчилар аудиториясига эмоционал-психологик таъсир этиш, жанр ва бадиий хусусиятлари, композиторлар ижодидаги концерт жанрлари, ижтимоий жамиятда концертнинг аҳамияти, импровизация масалалари, миллий анъаналарнинг ифодаси, композитор-ижрочи ижодий тандеми бўйича илмий тадқиқотларни олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли замонавийлик даврида концертнинг жанр жиҳатдан ўзига хослиги масалаларини ривожлантириш, бир композитор ижодида ёритиш, муайян даврдаги услубий хусусиятлар, концерт асарларининг интерпретация масалаларини тадқиқ этиш, концерт ва унинг ижрочилиги муаммолари, концерт асосини кучайтирувчи ички жанр турлари масалаларини ўрганиш заруриятини изоҳлайди.

Ўзбекистондаги ижодий ва ижрочилик амалиётида композиторлик ижодиётининг ноёб, бадиий қийматли намуналари, ёрқин сахна ҳаётида ўрин топган концерт, фантазия, поэма, рапсодия, симфония, балет ҳамда анъанавий мақом синтези асосида ранг-баранг хусусиятларга бой оригинал концерт опуслари ҳосил бўлади. Бунда европача концерт қонунлари, табиатан монодиязамин бўлган анъанавий мусиқа санъати унсурларини бирдек мужассам этган ўзбек концерт жанрларининг ўзига хослигини ёритиш ҳисобланади. “Маҳаллий маданият ва санъат муассасаларининг жаҳон маданий маконига пухта интеграция қилинмаганлиги мамлакатимизнинг ижобий қиёфасини шакллантиришда ва минтақанинг маданий маркази сифатидаги мақомини мустаҳкамлашда мавжуд бой маданий-тарихий меросдан ҳамда маданият ва санъатнинг замонавий йўналишларидан тўлиқ фойдаланиш”¹ каби муҳим вазифалар белгиланди. Ҳар бир жанрнинг бири-бирига таъсири, жанрли ҳосилаларнинг ўзига хослиги, намуналарнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3920-сон қарори. Электрон ресурс: <http://lex.uz/docs/3882752?query=%D0%B8%D0%B6%D1%80%D0%BE>. Мурожаат санаси: 30.11.18.

бадий қиймати, уларнинг ижрочилик амалиётидаги истиқболларини ажратиб кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари хусусида”ги ПҚ-3178-сон, 2017 йил 31 майдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари хусусида”ги ПҚ-3022-сон, 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари хусусида”ги ПҚ-3391-сон, 2018 йил 26 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари хусусида”ги ПҚ-3920-сон қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширида ушбу диссертацион тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” асосий устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Концерт жанрининг тарихий-назарий, мусикий-танқидий, ижтимоий-психологик ва эстетик-фалсафий жабҳаларда тадқиқ этилишига Б.Асафьев, Е.Назайкинский, М.Тараканов, Л.Раабен, А. Сохор, В. Холопова, Н.Зейфас, Н.Янов-Яновская, Н.Ахмедходжаеваларнинг ишлари мавжуд¹.

Қайта ишланган асарларнинг мазмун семантикаси, ғоявий-мазмуний жиҳатдан тўлиқлиги масалалари бўйича А.Амрахова, Д.Бахтизина ҳамда ўйин назарияси бўйича Й.Хёйзинга, Г.Гессе, И.Берлянд, Д.Эльконинларнинг тадқиқотлари мавжуд².

Жанрнинг шаклланиш жараёнини “аралаш жанр”, “жанр фонди”, “жанр галаёни” каби тавсифловчи атамаларни М.Лобанова, Л.Мазель, М.Друскин, Т.Ғофурбеков, И.Тукова, Г.Калошина, ишлари алоҳида аҳамият касб этади³.

¹ Асафьев Б. Музыкальная форма как процесс. – Л.: Музыка, 1971. – 379 б.; Назайкинский Б. Логика музыкальной композиции. – М.: Музыка, 1982. – 319 б.; Тараканов М. Симфония и инструментальный концерт в русской советской музыке 60-70-х годов. – М.: 1988. – 271 б.; Раабен Л. Советский инструментальный концерт 1968–1975гг. – Л.: Музыка, 1967. – 307 б.; Сохор А. Эстетическая природа жанра в музыке // Вопросы социологии и эстетики музыки: Статьи и исследования. – Л.: Сов. композитор, 1981. – 231–293 б.; Холопова В. Музыка как вид искусства. – М.: Музыка, 1984. – 320 б.; Зейфас Н. М. Concerto grosso в творчестве Генделя. – М., 1980. – 29 б.; Янов–Яновская Н. Инструментальный концерт в Узбекистане // История и современность. Проблемы музыкальной культуры народов Узбекистана, Туркменистана и Таджикистана. – М., 1972. – 64-96 б.; Ахмедходжаева Н. О понятии концертности // Музыкальное искусство. Общие вопросы теории и эстетики музыки. Проблемы национальных музыкальных культур. – Т.: Изд. лит. и искусства им. Г.Гуляма, 1982. – 70-93 б.¹

² Амрахова А. Когнитивные основания постмодерна в музыке // Постмодернизм в контексте современной культуры. – М.: Научно-издательский центр «Московская консерватория», 2009. – 39-57 б.; Бахтизина Д. Идея и ее реализация в форме музыкального произведения // Вестник ВЭГУ. – Уфа: Восточная экономико-юридическая гуманитарная академия, 2011. – 63-68 б.; Хёйзинга Й. Homo Ludens. Челоек играющий. Опыт определения игрового элемента культуры. – СПб., 2011. – 452 б.; Гессе Г. Игра в бисер. – М.: Издательский Дом Мещерякова. – 2007. – 592 б.; Берлянд И. Игра как феномен сознания. – Кемерово: Алеф, 1992. – 93 б.; Эльконин Д. Психология игры. – М., 1978. – 359 б.

³ Лобанова М. Концертные принципы Д.Шостаковича // Проблемы музыкальной науки. – М.: Сов. композитор, 1985. – Вып. 6. – 110–129 б.; Мазель Л. Строение музыкальных произведений. – М.: Музыка,

Концерт асарларининг ижро масалаларини А.Хошимов, А.Лутфуллаев, С.Гафурова, О.Имамов, М.Гумаров, Н.Лебедева, М.Файзиевалар томонидан ўрганилган¹.

Концерт жанрларининг ривожланиш тарихи ва ягона соҳа сифатида илк бор Ўзбекистон композиторлари ижоди бўйича илмий тадқиқот ишини олиб боришни тақозо қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат консерваторияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Миллий ва жаҳон мусиқа санъати соҳасида профессионал кадрлар тайёрлашнинг илмий-ижодий тамойилари” банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон композиторлари ижодида концерт жанрларининг миллий ўзига хослиги ва ўзбек концерт феномени моҳиятини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқ этилаётган мавзу долзарблигини асослаб бериш ва концерт жанрлари турфа талқинларининг типологик хусусиятларини аниқлаш;

соло, оркестр, вокал, хор концертлари, концертино, Concerto grosso, жанрнинг синтетик вариантлари (яъни, “чатишма” вариантлари), концерт қирраларини ўзида жамлаган асарлар гуруҳи (концерт пьесалари, фантазиялари, увертюралари) каби жанр турларини таснифлаш;

Ўзбекистон композиторлари ижодиётида европача ва миллий анъаналарнинг ўзаро таъсири кесимидаги концерт жанрлари, жанрнинг фундаментал (барқарор), ўзгарувчан (мобил) аломатларини аниқлаш ва концертнинг миллий моделини белгилаш;

тадқиқ этилаётган жанрни унинг бадиий қиймати нуқтаи назаридан ажратиб ва маънавий қадриятларни мусиқий ифода воситалари орқали ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XX аср – XXI аср бошларидаги Ўзбекистон композиторлик ижодиётининг концерт жанрлари ривожланиш жараёни олинган.

1979 – 528 б.; Друскин М. Очерки, статьи, заметки. – М., 1987. – 300 б.; Гафурбеков Т. Б. Музыка – моя Вселенная. – Т.: NAVRO'Z, 2015. – 175 б.; Тукова И. Теория жанра и музыкальная практика XX – начала XXI столетий // Научный вестник НМАУ им. П.И.Чайковского. – К., 2009. – Вып.81. – 20-26 б.; Калошина Г. Основные этапы и тенденции развития французской оперы и оратории XX века // Музыкальный театр XIX–XX вв. Вопросы эволюции. – Ростов-на-Дону: Гефест, 1999. – 148-162 б.

¹ Хошимов А. А. Скрипичные концерты композиторов Узбекистана и методика их исполнения. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 63 б.; Лутфуллаев А. История исполнительства на узбекских народных музыкальных инструментах. – Т.: Musiq, 2010. – 167 б.; Гафурова С. А. Фортепианные концерты Рустама Абдуллаева. – Т.: San`at, 2011. – 178 б.; Имамов У. З. Произведения композиторов Узбекистана в классе по специальности виолончель (на примере произведений М. Бафоева). – Т., 2006. – 72 б.; Гумаров М. В. Второй концерт для фортепиано с оркестром Валерия Сапарова (опыт исполнительского анализа) // Ежегодник «Искусство в формировании гармонично-развитого поколения». – Т., 2010. – 254–258 б.; Лебедева Н. С. Фортепианные концерты Георгия Мушеля в аспекте исполнительства и интерпретации в классе специального фортепиано / Н. Лебедева. – Т.: ООО KONTUR, 2009. – 88 б.; Файзиева М. Концерты М. Атаджанова в классе специального фортепиано. Учебное пособие. – М.: Musiq, 2011. – 139 б.

Тадқиқотнинг предмети концерт асарларининг ўзбек мумтоз мусиқаси билан ўзаро таъсиридаги муҳим хусусиятлар, концертнинг шакл ўзгариши, туркум драматургияси ва жанр семантикаси билан боғлиқ генетик изоҳланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: таққослаш, диахроник, мажмуавий ва тизимли ёндашувларни қўллаш, қиёсий-тарихий, типологик методлари, назарий-таҳлилий, мусиқий-танқидий методлар, жанр, услуб, интонацион ва этимологик таҳлиллар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

концерт аломатларига эга бўлган асарларнинг кенг доираси концерт жанрларининг ягона гуруҳига бирлаштирилиб, ўзбек композиторлик мактабида юзага келган даврдан ҳозирги вақтгача бўлган барча жанр турларини қамраган ҳолда мажмуавий кўринишда очиб берилган;

концерт ва анъанавий мақомнинг ўзаро таъсирида “генетик ислоҳ қилиш” натижаси бўйича концерт жанрининг миллий модели асослаб берилган;

концерт-поэма, концерт-симфония, концерт-балет, концерт-мақом бўйича концертнинг жанрлараро синтези асосида концерт асарларнинг алоҳида истиқболли соҳаси аниқлаштирилган;

мусиқий-назарий, бадиий, ижтимоий, фалсафий, эстетик қарашларнинг комплекс ёндашуви асосида ўзбек концерт жанрининг феномени очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек композиторлари ижодида замонавий концертлар ҳамда мусиқий жанрларнинг аналитик материаллари жамланган;

мусиқий намуналарнинг қўлёзма ва нашр кўринишида бўлган мусиқий мисоллар тўпланган ва тизимлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги методлар ва назарий ёндашувларни қўллаш, расмий манбаларга таяниш орқали мустақамланган; Ўзбекистон давлат консерваторияси ўқув жараёнида, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари ишларида алоҳида йўналишда жорий этилган; теле (“Тошкент” ва “Ўзбекистон 24”) ва радио (“Ўзбекистон 24”, 87,9 FM) дастурларидаги композиторлардан олинган интервьюлар ва суҳбатлар; тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти Ўзбекистон композиторлари ижодида концерт жанрларини, мамлакатимиз ва минтақамиз мусиқа маданияти кесимида замонавий ҳолатларини ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти Ўзбекистон мусиқа санъатини замонавий босқич(композиторлик ижодиёти ва ижрочилик маданияти)да ўрганилган маълумотлардан “Ўзбек мусиқа тарихи”, “Замонавий мусиқа”, “Мусиқий услублар тарихи”, “Мусиқий жанрлар ва шакллар” каби фанлар

бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларни бойитиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон композиторлари ижодида концерт жанрлари юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

концерт аломатларига эга бўлган асарларнинг кенг доираси концерт жанрларининг ягона гуруҳига бирлаштирилиб, ўзбек композиторлик мактабида юзага келган даврдан ҳозирги вақтгача бўлган барча жанр турларини қамраган ҳолда очиб берилган мажмуавий кўринишдан “Континент ФА (фортепиано ансамбли)” Форум-фестиваль лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 5 декабрдаги 01-11-8365–сон маълумотномаси). Натижада фестивалларнинг концерт дастурлари мазмуни бойитилган;

концерт ва анъанавий мақомнинг ўзаро таъсирида “генетик ислох қилиш” натижаси бўйича асослаб берилган концерт жанрининг миллий моделидан Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси тадбирларида фойдаланилган (Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг 2018 йил 27 сентябрдан 81/І-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон композиторлари замонавий концерт ижодиёти хусусида тасаввурларини кенгайтиришга хизмат қилган;

концерт-поэма, концерт-симфония, концерт-балет, концерт-мақом бўйича концертнинг жанрлараро синтези асосида аниқлаштирилган концерт асарларнинг алоҳида истиқболли соҳасидан “Континент ФА (фортепиано ансамбли)” Форум-фестиваль лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 5 декабрдаги 01-11-8365–сон маълумотномаси). Натижада концерт жанрларининг янги турлари хусусида тасаввурларини кенгайтиришга хизмат қилган;

муסיқий-назарий, бадиий, ижтимоий, фалсафий, эстетик қарашларнинг комплекс ёндашуви асосида очиб берилган ўзбек концерт жанрининг феноменидан радио (“Ўзбекистон 24” (87,9 FM) канали) дастурларининг сценарийларида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон 24” (87,9 FM) каналининг 2018 йил 26 ноябрдан 03-09-1327-сон маълумотномаси). Натижада радио дастурларда замонавий концерт жанрларининг долзарб масалалари ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 15 та республика илмий-амлий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 7 та мақола чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола (3 та республика ва 1 та хорижий журналларда) нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 146 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети, ўрганилганлик даражаси, методологик базаси, диссертациянинг илмий-назарий янгилиги асослаб берилган бўлиб, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти аниқланган, ишнинг апробацияси ва тузилиши хусусида маълумотлар келтирилган.

Диссертацияда илк бор Ўзбекистон композиторлари ижодидаги концерт жанрларининг шаклланишидан то ҳозирги кунга қадар бўлган даври тадқиқ қилиниб, уларнинг тадрижиёт манзараси, ички жанрли модификацияси, композициянинг мазмуний ва шакллантирувчи томонлари тақдим этилган. Ушбу жараёнларнинг асосий жабҳалари ишнинг учта асосий бобида ўз аксини топган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ўзбекистонда концерт жанрларининг пайдо бўлиш замини**» деб номланиб, мазкур бобда Ўзбекистонда концерт жанрларининг юзага келиш тарихи ёритилиб, биринчи концерт асарларининг пайдо бўлиш замини ажратиб кўрсатилади, шунингдек, анъанавий ижрочилик ва замонавий концерт ижрочилигининг ўзаро боғлиқлиги ажратиб кўрсатилади.

Шарқ мусиқасининг йирик олим ва тадқиқотчилари, хусусан, И.Еолян, Н.Шахназарова, Т.Ғофурбеков, Самха ал-Ҳолий, Ю Плахов, шунингдек, Б.Неттл, Т.Джани-заде ва бошқаларнинг фундаментал асарлари асосида шарқона ижрочилик амалиётидаги мусиқий асарнинг яратилиш жараёнида бадиҳавийликнинг роли ва аҳамияти белгилаб берилади, Муайян даврнинг услубий меъёрлари сабаб юзага келган ҳар қандай бадиҳанинг каноник унсурлари ажратиб кўрсатилади. Бу борада шарқона мусиқий ижрочиликнинг муҳим турини тавсифловчи «оғзаки-концерт» ижрочилиги асос солувчи аҳамиятга эга бўлган. Мусиқа санъатининг оғзаки шаклда жорий этилиши бадиҳа маданиятининг ривожланишига туртки бўлиб, Шарқ мусиқачилари тафаккурининг ўзига хослигини акс эттиради ва «Устоз-шогирд» тизимининг таълим жараёнига асос бўлиб хизмат қилади.

Якка ва ансамбль амалиётида бадиҳанинг аҳамияти улкан, зеро бунда ансамбль ижро жараёнида юзага келадиган беллашув диалогига қараб, ижрочиларни бадиҳага кўпроқ жалб этади. Ҳозирги пайтда ансамбль ичидаги беллашув, концерт ижрочилиги жараёнидаги асосий роллардан бирини ўйнамоқда, унда ижрочилар бир-бирлари билан, ва ўз-ўзи билан беллашув-диалогга киришади.

Замонавий концерт ижодиётининг шаклланишига нафақат Шарқ, балки Ғарб бадиҳа маданияти ҳам ўз таъсирини ўтказди. Айтиш жоизки, Ғарб маданиятининг алоҳида ҳолатлари концерт жанрининг асосига айланди. Шарқ ва Ғарб ижрочилик санъатида умумий жиҳатларнинг мавжудлиги шубҳа уйғотмайди, буни жамиятда кечган интеграцион жараёнлар натижасида юз берган мусиқий анъаналарнинг ўзаро таъсири билан, ва шубҳасиз, янгиликларни тезда ўзига сингдирувчи мусиқа санъатининг оғзаки шаклда жорий бўлиш спецификаси билан изоҳлаш мумкин. Айнан шу вазият, назаримизда, XX асрда концерт жанрларининг шаклланиши учун муҳим

шарт-шароитлардан бири бўлган, яъни, унга (концерт жанрига) ўзбек миллий мусиқа ижодиёти шароитларида тўлақонли ва мустақил ҳаёт қуриш имконини берган.

Оврўпача анъаналарнинг мослашувида XIX-XX асрлар мобайнида хорижлик мусиқачиларнинг фаол оқими минтақага концерт фаолиятининг янги шакллари олиб кирган даврдаги Ўзбекистон концерт ҳаёти таҳлилига бағишланган. Унда дамли ва симфоник оркестрлар, хорлар, чолғу ансамбллари каби ранг-баранг жамоаларнинг пайдо бўлиши, шунингдек, кўп сонли тингловчиларни ўзига сиғдира оладиган, махсус қурилган сахна майдончаларини яратиш ишлари кузатилади. Концерт–митинглар, мусиқий лекториялар ва мусиқа кечаларининг турли жойларда мунтазам равишда ўтказилиши, тингловчиларнинг кенг оммасини классик мусиқага ошно этиб, унинг маҳаллий аҳоли ўртасида тарғиб этилишида муҳим роль ўйнади. Бу ишга биринчи мусиқий ҳамдўстлик яратувчилари В.Лейсек, В.Михалек, шунингдек, В.Буюкли, Л.Шварц, К.Корен, С.Вонсовская каби истеъдодли ижрочилар, М.Кулябо-Корецкий сингари мусиқашунос ва бошқалар сезиларли хисса қўшдилар. Ўзбек маърифатпарвар шоирларидан Фурқат, Аҳмад Дониш, Муқимий ва Фитратларнинг адабий мурожаатлари жамоатчиликни тингловчи сифатида, иқтидорли ёшларни эса концерт тадбирларининг қатнашчилари сифатида концерт ҳаётига жалб этилишини кучайтириб юборди.

Хорижлик мусиқачилар республикамизда концерт ижрочилигининг европача шакллари ривожлантиришда қанчалик фаол бўлмасин, агар ўзбек мусиқасининг концерт асоси азалдан оғзаки анъанадаги касбий ижодиёт (Т.Ғофурбеков) шароитларида жорий бўлган мусиқий ифода усули – концерт ижрочилиги билан боғлиқ бўлмаганида, уларнинг монодиявий анъаналар янги шароитларига мослашуви у қадар кенг ривожланмас эди. Биринчи навбатда, Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган лапар, ялла, катта ўйин каби жанрларни ажратиб кўрсатиш лозим, улар беллашувчи ижронинг барча унсурларига эга бўлиб, XX-XXI асрларнинг концерт опусларида қайта яратилган ўзига хос замонавий театрлаштирилган мусиқий диалог прототипидир. Айрим алоқалар Шарқда машхур бўлган ўтмишнинг мусиқий-шеърий мусобақалари – дийдалашма ва мушоирада, адабий ва мусиқий йиғилишлар – мажлисларда кузатилади, бу беллашувлар вақтида иштирокчилар ўзларининг виртуоз шеърий ва мусиқий иқтидорларини намойиш этганлар. Бу ҳақдаги қимматли маълумотлар турли хил адабиётларда, хусусан, А.Навоийнинг «Танланган асарлар»и ва У.Кайковунинг «Қобуснома» асарида мавжуд.

XX асрда Ўзбекистондаги концерт ҳаёти, сўнгра концерт жанрларининг ривожланиши мамлакат пойтахти ва вилоятларида профессионал мусиқа ўқув юртларининг очилиши, буюк пианиночилар (К.Игумнов, Л.Оборин, Г.Гинзбург, Е.Долинга), скрипкачилар (К.Думчев, М.Эрденко, Б.Фишман, М.Гольдштейн), виолончель созандалари (Р.Фелициант, Д.Шафран, М.Растропович) ва академик хонандалар

(И.Голянда, Е.Орленева, Е.Образцова) ўз санъатларини намоиш этган концерт залларининг пайдо бўлиши билан чамбарчас боғлиқ.

Концерт ижрочилиги муסיқачиларнинг виртуоз ижросини концерт жозибаси-ю, томошабоп сахна билан бойитган ҳолда, аста-секин анъанавий санъатга сингиб борди. Миллий муסיқа меросининг атоқли билимдонлари М.Т.Тошмухамедов, Ш.Шоумаров, А.Ваҳобов, Ю.Ражабий кенг қамровдаги концерт фаолиятини олиб бордилар, улар спектаклларнинг муסיқий беағида иштирок этиб, мустақил концерт дастурлари билан чиқишлар қилдилар, бу ҳам ўзбек муסיқачиларининг концерт асосини, муסיқий ижрочиликнинг концерт шакллари теран ҳис этишлари ва тушунишларидан дарак беради.

Композитор-ижрочи ижодий тандемнинг роли композитор ва ижрочи ҳамкорлигининг муаммолари ёритилади, уларнинг уйғун тандеми концерт жанрларининг энг сара намуналарини яратиш имконини беради. Г.Мушель ва Р.Керернинг ҳамкорликдаги ижодий фаолияти бунга ёрқин мисол, композитор унга ўзининг машҳур Иккинчи фортепиано концертини бағишлаган; шунингдек, С.Бобоев ва А.Одилов, И.Хамроев ва С.Тахаловлар, хозирги пайтда - М.Бафоев ва А.Шарипова, Р.Абдуллаев ва С.Гафурова, шунингдек, композиторнинг бутун ансамбль ёки оркестр билан (симфоник, ёхуд «Сўғдиёна» каби ўзбек халқ чолғулари оркестри билан), ижодий иттифоқи ҳам ўзбек халқ чолғулари учун бир қатор концерт пьесаларининг яратилишига сабаб бўлди.

Ижрочилик маданиятининг ўсишига кўп жиҳатдан юксак малакали кадрлар тайёрлаш туртки бўлдики, бу янги концерт асарларининг яратилишига бевосита таъсир кўрсатди, зеро композиторлар кўпинча ўзлари яратган муסיқада баён этилган ғоя ва образларни тўлақонли қайта яратишга қодир бўлган конкрет бир муסיқачини мўлжаллайди.

Композиторлар ва ижрочилар ўзаро ижодий тандемда ишлар экан, бу аснода улар бир-бирига нисбатан билимли эканини намоён этган ҳолда, ҳар бирининг ролини ҳисобга олиш зарур. У турли шаклларда ифода этилади: «билимдон композитор зонаси» ва «билимли ижро зонаси» сифатида (Н.Митяева атамаси). Бу ижрочи учун композитор томонидан сақлаб қўйилган «ижод майдони»дир. Ижрочи эса ўз навбатида, муаллифлик ғоясини бузмасдан, уни индивидуал услуб билан, асарнинг бадиий ғоясини ўз нигоҳи ила ўқиш билан тўлдириши керак.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Янги концерт шакллари**ни излаб **топиш**» деб номланиб, мазкур бобда концерт жанрларининг барча турлари, хусусан, оврўпа ва миллий чолғулар учун мўлжалланган соло ва оркестр жанрлари ва уларнинг микстлари, шунингдек, хор жанрларининг ривожланиш манзараси тақдим этилган. Бунда ҳар бир жанр турига бобнинг алоҳида параграфи ажратилган бўлиб, унинг ичида жанрнинг турдошлари уларнинг таснифотига мос равишда ўрганилади.

Соло концерт асарларининг турлари фортепиано, торли ва дамли чолғулар, шунингдек, овоз ва оркестр учун яратилган концерт асарлари таҳлил этилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, фортепиано концерти бирмунча оммалашган бўлиб, бу кўп жиҳатдан ижрочи кадрларнинг борлиги,

шунингдек, композиторнинг ўзи мазкур чолғуда чалишни билиши билан боғлиқ. Фортепиано концерти ўз ривожланиши ва тадрижиётининг бирмунча сезиларли йўлини босиб ўтди: бу жанр асосчиси Г.Мушель ижодидаги классик уч қисмли туркумдан то классик намуналарга тақлид қилишдан чекиниб, анъанавий мусиқа маданиятига хос, интонацион-ритмик тузилишга таянган, янги мазмун ва янги ифода воситалари билан бойитилган бир овозли композицияларгача бўлган йўлдир. Бундай турдаги асарлар муаллифлари Н.Зокиров, Р.Абдуллаев, Ҳ.Рахимов, М.Бафоев, М.Отажонов ва бошқа кўплаб композиторлардир.

Торли ва дамли чолғулар учун ёзилган концерт пьесалари ҳам ўзбек композиторлик ижодиётида фаол ривожланишга эга бўлди. Икром Акбаров концертларидан то скрипка, виолончель ва альт учун яратилган концерт асарларигача маҳаллий муаллифларни тобора кўпроқ жалб эта бошлади, сабаби улар ўз асарлари орқали мазкур чолғуларнинг нафақат виртуоз сифатларини, балки уларнинг жарангини ўзбек халқ чолғулари тембрига яқинлаштирган ҳолда, қутилмаган товуш имкониятларини ҳам очиб бердилар. С.Жалил, М.Махмудов, М.Бафоев, А.Хошимов концертлари шу жумлага киради. Дамли чолғулар учун яратилган концерт асарлари, гарчи улар кам сонли бўлса-да, аммо жанр талқинининг оригиналлиги ва дадил ўйлаб топилган ифода воситаларига эга: Т.Қурбонов, М.Бафоев, П.Халиков, Н.Ғиёсов мана шундай асарлар муаллифларидир. Ф.Янов-Яновский, В.Сапаров ва П.Медюляновалар томонидан дамли чолғу ва оркестр учун яратилган концертлар мазкур жанрнинг замонавий ўқилиши бўлди.

Эстрада-жаз санъатининг ривожланиши билан композиторлар концерт жанрлари учун ноанъанавий бўлган чолғу таркибларига мурожаат эта бошладилар, масалан, якканавоз чолғу сифатида саксофон (Д.Сайдаминова, И.Пинхасов), синтезатор (И.Пинхасов) ёки катта эстрада-симфоник оркестридан (А.Латиф-заде) фойдаландилар.

Оркестр ва хор концертларининг муҳим хусусиятлари концерт жанрларининг яна бир тармоғини симфоник ёки камер оркестр учун, шунингдек, жанр ривожланиши тарихида янги сўзга айланган ўзбек халқ чолғулари оркестри учун яратилган концертлар ташкил этади. Илк бор жанрнинг қадимий намуналари – кончерто гротто пайдо бўлди, унинг муаллифи сифатида Ф.Янов-Яновский саҳнага чиқди.

1970-1980 йилларнинг характерли тенденцияларидан бири – композиторларнинг мусиқий ифода ихчамлигига интилиши эди, бу шакли ва ижрочилик таркиби бўйича мухтасар концерт композицияларининг пайдо бўлишига олиб келди. Бу аста-секин концерт опусларининг айрим оркестр турлари билан бирга (айниқса, concerto grossода), аксарият соло концерт асарларида намоён бўлган жанрнинг камерлашувига олиб келди.

Ўзбек халқ чолғулари оркестри учун яратилган концерт асарлари алоҳида эътиборга лойиқ, уларда мусиқий баённинг миллий негизи, минтақанинг кўп асрли ижрочилик амалиётига эга анъанавий ансамблларга яқинлик янада ифодалироқ кўринишда намоён бўлган. Б.Гиенко, Ф.Алимов, Ҳ.Рахимовларнинг ўзбек халқ чолғулари оркестри учун яратган концертлари

шундай асарлар сирасига кирадики, улар ўзининг ёрқин концерт ҳаётига эга бўлди.

Ўзбек халқ чолғулари оркестри учун яратилган концертлар билан бир қаторда, якканавоз чанг, рубоб, най, дутор-прима каби чолғулар учун ёзилган концерт асарлари ҳам таҳлил этилади, улар анъанавий таркиб билан бир қаторда, симфоник оркестр билан мусиқий диалогга киришади. Ўзбек халқ чолғулари оркестри ва фортепианонинг ўзаро қўшилишини намоён этувчи намуналар айниқса қизиқарли, улар чолғуларнинг янги оригинал товуш имкониятларини, анъанавий ижрочилик санъатига яқин бўлган ансамблнинг янги шакллари илгари сурадики, унда ҳар бир чолғу мусиқий воқеликнинг тембр жиҳатдан ўзига хос ва бетакрор иштирокчиси сифатида юзага чиқади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Янгиликка эришиш**» деб номланиб, мазкур бобда концерт жанрларининг миллий мусиқий анъаналар, айниқса мақом сингари касбий мусиқа жанрлари таъсири остида сифат жиҳатдан янгиланган янги босқичи билан боғлиқлиги таҳлил этилган.

Анъанавий мақом ва замонавий концертнинг ўзаро таъсир тамойиллари, мавзу чизиқларининг ўзига хос характери билан, ўзига хос вазн-усул ила мустаҳкамланган янги интонацион баландлик томон аста-секин ўтишлар ва авж чўққисига кўтарилиш тамойили бўйича, драматургик ривожланишнинг муҳим хусусиятлари билан ажралиб турувчи бир қатор концерт асарларида ўзининг мусиқий-бадиий ифодасига эга бўлди; натижада иккита специфик композицион тузилиш шаклланиб, уни биз «концерт-мақом» драматургияси (биринчи ва иккинчи тоифадаги) деб номладик. Концерт жанрига ўзбек халқ анъанавий мусиқасига оид восита ва усулларнинг бутун бир мажмуининг киритилиши, туркумни сезиларли равишда ўзгартириб, унинг ички салоҳиятига, ифодавий имкониятларига янгича нигоҳ билан боқиш имконини берди.

Концерт жанрлари семантикасининг янгиланиш сабаблари ёритилади, унда ранг-баранг мавзулар ва ғоялар билан бойитилган яратилажак опуслар образли доирасининг кенгайиши муҳим роль ўйнайди. Бунда халқ образи, унинг ҳаёти ва турмуш тарзи, байрамлари ва мусиқий анъаналари билан боғлиқ халқ мавзуси марказий ўрин эгаллайди. Тарихий ўтмиш воқеаларига мурожаат концерт композициялари мазмунини шоироналик, шунингдек, ифода теранлиги ва фалсафий йўналиш билан тўлдирди. Бу борада концерт асарларининг ғоявий концепцияси асосига қўйилган сўфийлик анъаналари, шунингдек, концертларнинг мусиқий палитрасини сержило жаранг билан бойитган мавриги, дастгоҳ каби қадимий жанрларга мурожаат ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Анъанавий байрамлар ва халқ қаҳрамонлари образларини қайта тиклаш билан боғлиқ кўплаб асарларнинг дастурий ғояси, улардаги театрлашган асосни кучайтириб, концертни «чолғу театри»га айлантиради. Б.Гиенконинг «Масхарабозлар», Р.Абдуллаевнинг «Наврўз оҳанглари» номли Иккинчи концерти, М.Бафоевнинг «Хўжа Насриддин ва Карменсита Бухорода» номли Концерт-балети, Ҳ.Рахимовнинг Ғ.Ғулом қаламига мансуб «Шум бола» асари

асосида ёзилган фортепиано ва оркестр учун Концертиноси шундай асарлар сирасига киради.

Катта миқдордаги концерт асарлари ва улардаги каденцияларни таҳлил этиб, биз барча каденцияларни туркум ичидаги функционал аҳамиятига қараб таснифладик. Натижада, каденцияларнинг қуйидаги турлари аниқланди:

- Классик каденция;
- Каденция-монолог;
- Каденция-диалог;
- Каденция-эпиграф;
- Бўлинган каденция;
- Крещендоланган ёки ривожланган каденция.

У ёки бу каденциянинг характери концерт асарининг мазмунига боғлиқ бўлиб, кўп жиҳатдан туркум мусиқий ривожининг тамойилларини белгилаб беради. Асарда соло ёки ансамбль каденциясининг мавжудлиги, уни концерт жанрларининг бир тури, деб аташ имконини бериб, концерт асосини кучайтиради. Ҳ.Рахимовнинг дутор учун пьесалари, О.Абдуллаеванинг дутор ва фортепиано учун Фантазияси ва бошқа асарлар шулар жумласидандир. Ушбу асарлар композиторлар томонидан концерт асари, деб аталмаган бўлса-да, аммо ўзининг ёрқин ифодаланган концерт аломатларига эга.

Концерт ва поэма, симфония, рапсодия, фантазия, рондо, балет, шунингдек, анъанавий мақом симбиози натижасида юзага келган ранг-баранг жанрли микстларга бағишланади. Композиторлик ижодиётида бу каби «чатишма»ларнинг пайдо бўлиши, кўп жиҳатдан рамзий образлар билан бойитилган мураккаб ғоялар ифодасининг ностандарт ечимини излаб топиш зарурати юзага келганда, замонавий жамиятнинг эстетик талаблари билан боғлиқ бўлади. У ёки бу жанр билан ўзаро таъсирга киришар экан, концерт ўзини турлича намоён этади: мусиқий фикрнинг эркин бадиҳавий ривожини фантазия билан қўшилганда юз беради, баённинг ҳикоявийлиги рапсодия ва поэма билан синтезланиш жараёнида юзага келади, вазмин қисмлардаги ифода теранлиги концерт ва симфония мутаносиблигида кучаяди.

Энг мураккаб симбиозлардан бири концерт ва мақом ўртасида юзага келади, унинг жанрли «чатишма»сини Н.Ғиёсов яратган. Турли таркиблар учун яратилган тўққизта Концерт-мақомда композитор ўз ижодий фикрининг марказий ғоясини ифода этган: икки жанрнинг органик синтезига эришиш, уларнинг турли аҳамиятли кўринишда намоён этилиши. Аммо, Н.Ғиёсовнинг аксарият асарлари таҳлили шуни кўрсатдики, интонацион-ритмик, динамик, драматургик усулларнинг ўзига хос характерли мажмуига эга бўлган мақом мусиқий-композицион структура сифатида концерт туркумини ўзининг мусиқий ривож қонуниятларига бўйсундириб, унга катта таъсир кўрсатди. Бу асарнинг мусиқий шаклида ўз ифодасини топган, унда ҳар бир бўлим – «кўтарилиш», «авж» ва «туширим» – бирдек муҳим аҳамият касб этиб, жанр чўзимдорлиги бўйича ҳам тенг ҳуқуқли. Бунда Н.Ғиёсов мусиқий фикр ривожининг учинчи фазаси – «туширим»га алоҳида эътибор қаратади, композитор сўзларига кўра, у концертга хос ихчам шаклда бўлолмайди,

балки аксинча, у товуш баландлигининг тобора пастлашувини, равон эмоционал тинчланишни, ва бошланғич нуқта – базисга, бутун композициянинг пойдеворига буткул қайтишни талаб этади.

Н.Ғиёсовнинг тўққизта Концерт-мақоми – бу якканавоз чолғуларнинг ранг-баранг тембрлари, ҳатто, мавзу чизикларининг интонацион ривожланишини ўзига бўйсундирган колористик гармония ва полифоник руҳдаги мураккаб мелодик ўримлар, характерли ритмик безаклар орқали ёритилувчи эмоционал-психологик ҳолатлар, образлар калейдоскопидир. Н.Ғиёсов томонидан яратилган концерт ва мақомнинг жанр синтези, натижада, нафақат унинг шахсий ижодий лабораториясига айланди, балки классик концерт композициясига бошқача кўз билан қараш имконини бериб, унда кейинги истиқболли янгиланишларни очди, ва Ўзбекистон концерт жанрлари ривожда янги сўз бўлиб қолди.

ХУЛОСА

«Ўзбекистон композиторлари ижодида концерт жанрлари» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидагиларга қўйилган хулосаларга келинди:

1. Диссертацияда ўтказилган тадқиқот асосида илк бор Ўзбекистонда – бадий-ижодий феномен сифатидаги концерт жанрларининг юзага келиш тарихи, шаклланиши ва ривожланиши очиқ берилди ва умумлаштирилди. Концерт асарлари деярли бир асрлик йўлни қамраб олган узоқ жараён давомида республика мусиқий-ижодий ҳаётининг ажралмас қисмига, замонавий композиторлик ижодиёти ва ижрочилик амалиётининг бирмунча характерли тенденциялари ифодасига, пировардида, эстетик тарбиянинг муҳим таъсирли омилига айланди.

2. Концерт жанрларини ўрганиш жараёнида ушбу қатламнинг композиторлик ва ижрочилик амалиётидаги энг муҳим ҳаракат босқичлари биз томондан аниқланди ва ажратиб кўрсатилди:

Биринчи босқич (XIX асрнинг охири – XX аср бошида) – жаҳон маданияти тажрибасининг ҳаваскор мусиқачилар томонидан ўзлаштирилиши, унинг Ўзбекистон концерт маданияти шаклланишига мослашуви; оврупча шакл ва бадиҳавийлик санъатига таянувчи «оғзаки-концерт мусиқа ижрочилиги» анъаналаридаги миллий характерли мусиқий баённи ўзида уйғунлаштирган биринчи концерт асарларининг юзага келиши.

Иккинчи босқич (1940 - 1980-йиллар) Ўзбекистонда биринчи соло ва оркестр концертларининг юзага келиши, concerto grosso ва концертино каби қадимги жанр турларини ўзлаштириш ҳамда хор концертини яратишга уриниш билан таъкидланади. Ушбу даврнинг эътирофга молик воқелиги – ўзбек халқ чолғулари ва оркестр учун концерт асарларининг яратилиши бўлдики, улар анъанавий ансамбль билан бир қаторда, катта симфоник оркестр билан бирдек мусобақалашадиган мустақил виртуоз концерт чолғулари сифатида янги функционал аҳамият касб этди.

Учинчи босқич (XX-XXI асрлар оралиғи) концерт жанрлари катта сахналарни ишонч билан забт этгани, композицион ечимлар соҳасидаги дадил экспериментлар ва замонавий ижод тажрибаси ютуқларини анъанавий мусиқий мерос ила синтезлашга интилиш билан тавсифланади. Натижада, оҳанг доираси кенгайиб, ижод шаклининг имкониятлари ўсади, концерт опусларининг жанр мазмуни бойиб, концерт жанрлари сермахсул жанрлараро ўзаро таъсирга киришади ва на оврўпача, на шарқона намуналарга мансуб бўлган сифат жиҳатдан янги турларни ҳосил қилади.

3. Концерт жанрларини таснифлар эканмиз, концертнинг ҳар бир турини уларнинг бирмунча характерли аломатларини ажратган ҳолда, алоҳида таҳлил этдик, шунингдек, бир жанр турининг фаол ўсиши (фортепиано, скрипка, виолончель, ўзбек халқ чолғулари учун концертлар) ва бошқасининг (вокал, хор) композиторлик ва ижрочилик амалиётида кам талаб этилишини аниқладик. Умумий ҳолатда, концерт жанрлари ўз ривожланишининг бир неча ўн йилликлари давомида ўзбек композиторлик ижодиёти кесимида классик намуналарга *тақлид*-концерт кўринишидан, ўзига хос жанрга айландики, унда концертнинг виртуозлиги ва сахна эффектлиги, миллий ўзига хослик намоён бўлиб, унинг асосида ўзбек халқининг характерли услубий, интонацион-ритмик ва бошқа муҳим хусусиятларга бой мусиқий анъаналари ётади.

